

МУБОРАК ОЙДА МУҚАДДАС ҚАДАМЖО БЎЙЛАБ

Ҳаммамизга маълумки, айни кунларда ватанимиз, умуман олганда, бутун дунё мусулмонлари муборак Рамазон ойини қизғин ўтказишмоқда. Бирин-кетин юртимиз масжидларида хатмоналар бўлиб ўтмоқда.

Айни шундай маҳалда 20 май куни “Гидромелиорация” факультети иккинчи босқич “Мелиоратив гидрогеология” йўналиши 215 - гуруҳ талабалари ҳамда гуруҳ мураббийси С. Қодиров томонидан “Зангиота” зиёратгоҳига ташриф уюштирилди. Мақбара ичкарасида Муқаддас Қуръондан тиловат қилинган, мажмуа ходими мақбара ҳамда Зангиота ҳазратларининг ҳаёти ҳақида мухтасар маълумот бериб ўтди.



"Гидрология ва гидрогеология" кафедраси ассистенти С.М.Қодиров ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов